

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА –ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
МУХАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШИ” факультети**



402-Геодезия, картография ва кадастр гуруҳи битирувчиси

Рахимов Сухроб Дилмуродович

**“Саноат корхоналарининг кадастр хужжатларини
яратишда геодезик ўлчаш ишларини
такомиллаштириш”**

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ

Тушунтириш хати _____ бет (формат А-4)
чизмалар _____ варақ (формат А-2)

Кафедра мудири:
Лойиҳа раҳбари:

доцент Д. Журакулов
кат.ўқ.Сафаров.Т.У

Мундарижа.

Кириш:

Давлат кадастрларининг юритилиши тўғрисида умумий маълумотлар.

1. Ер участкасининг кадастр съёмкаси ва кадастр плани.
2. Тайёргарлик ишлари.
3. Кадастр съёмкаси объектлари.
4. Қурилиш ва инфраструктура элементлари.
5. Топографик съёмка ишларининг геодезик асослари.
6. Территорияларни съёмка қилиш.
7. Инжинерлик коммуникацияларини съёмка қилиш.
8. Ер участкаси кадастр планининг оригиналини тузиш.
9. Дала ишларини текшириш ва қабза қилиш.
10. Ер участкасининг майдонини ҳисоблаш.
11. Картографик материалларни далада чизиш ва расмийлаштириш.
12. Техник ҳисобот.
13. Саноат корхоналарининг кадастр съёмкасини бажаришда геодезик асосни яратиш.

Иқтисодий қисм.

1. Амортизация фонди.
 2. Асосий ишлаб чиқариш фонди.
 3. Смета ва уни тузиш.
- Техника хавфсизлиги ва меҳнатни , атроф муҳитни муҳофаза қилиш

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин иқтисодий , сиёсий , ижтимоий , маданий ва бошқа йуналишдаги муоммоларни ҳал қилиш соҳасида дадил олға кадам ташламокда.Шу жумладан барча соҳалар каби геодезия , картография ва кадастр соҳаларида ҳам муҳим ривожланиш ишлари амалга оширилмокда .Хозирги даврда Республикамизда олиб борилаётган илмий ва амалий ишларни янада мукаммаллаштириш соҳага доир янги техника ва технологияларни ҳаётга тадбиқ қилишга ката аҳамият берилмокда.

Худди шундай Ўзбекистон Республикасида кадастр соҳасини ривожлантириш ва ёш малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ривожланган Европа мамлакатларидан Швеция , Германия ва Россия каби мамлакатларида олиб борилаётган кадастр ишларининг юритилиши ва тизимлари борасидаги тажрибаларини урганиш ва янги замонавий кадастр тизимини яратиш йулида улкан ишлар олиб борилмокда.

Ер ва бошқа турдаги кўчмас мулкларни руйхатга олиш , улар ҳақида аниқ маълумотларни туплаш , уларни бир жойга маълумотлар банкига йиғиб , керак бўлганда улардан самарали фойдаланиш , ер ва бошқа кўчмас мулк егаси бўлган шахсинг ерга , кўчмас мулкга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш , солиқ тизимини мукаммаллаштириш , кўчмас мулк ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш , уларни ким ошди бозорида сотиш ва сотиб олиш каби жуда кўп масалаларни ечиш мақсадида ер кадастри тўзилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 15-октябрдаги ПФ-3502 сонли фармони асосида ҳам Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарори бўйича Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари , геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси “Ўздавергеодезкадастр”ташқил этилди. Хозирги кунда “Ўздавергеодезкадастр” Давлат кўмитасининг жойлардаги ваколатли органлари бўлиб хужалик ҳисобидаги “худудий ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати” (1шакл) ҳамда “туман (шаҳар) ер тузиш ва кучмас мулк кадастр хизмати” (2шакл) давлат унитар корхонаси фаолият юритишмокда.

Худудий ва туман (шаҳар) кадастр хизматларининг бош мақсади худудда ягона давлат кадастр сиёсатини юритиш, вилоят иқтисодий лойиҳаларини умумдавлат,яхлит ва комплекс ҳисобга олиш, ўлардан фойдаланишни ҳар тамонлама урганиш ҳамда баҳолаш, кадастр ахборотни ишлаб чиқиш технологиясини доимий равишда такомиллаштириш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва фойдаланувчиларга ишончли ва тежамли кучмасмулклар кадастр ахборотини беришни таминлашдан иборатдир.

Кундан-кунга бозор муносабатлари ривожлана ётган бир пайтда, купдан-куп бозор иқтисодиётига оид масалаларни тез ва самарали ҳал қилиш кадастр хизмати ходимларидан чуқур билим ва моҳорат талаб қилади.

Давлат ер кадастри қуйдаги мақсадларда олиб борилади:

- худуднинг ер ресурслари туғрисидаги ишончли маълумотлар билан давлат ҳокимяти ва бошқарув органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ўз вақтида таминлаш.

- ердан тўғри фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ташқил этиш;

- ер егалари , ердан фойдаланувчилар ва ижрочилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

-ернинг меъёрий қиймати , ер солиғи ва ижара ҳақини ўрнатиш учун асосларни яратиш;

-тарихий ер егалиги , тарихий-маданий объектлар чегараларини сақлаш;

Давлат ер кадастри объектларига , мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ер участкалари, мўлжалланган мақсад ва улардан фойдаланиш тартибига асосан шулар киради. Давлат ер кадастрини юритишда тўплаш, ҳисоб –китоб , ер кадастр маълумотларни таҳлил ва уни қайта ишлаш сақлаш , ер тузиш ҳуқуқларни харақтирларнинг ўзгариши бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва фойдаланувчиларга керакли кадастр маълумотларни беришни ўз зимасига олади.

Давлат кадастрларнинг юритилишитўғрисида умумий маълумот.


Давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисоблашлари ҳамда давлат кадастрлари юритиладиган табиий, ҳўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турларни географик жойлашуви, мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибига қуйдаги давлат кадастрлари киради:

- давлат ер кадастри;
- фойдали қазилма конлари, белгилари ва техногин хосилалар давлат кадастри;
- давлат сув кадастри;
- давлат ўрмон кадастри;
- ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри;
- ҳайвонот дунёси давлат кадастри;
- алохида муҳофаза қилинадиган таъбиий ҳудудлар давлат кадастри;
- бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;
- давлат шаҳарсозлик кадастри;
- гидротехника иншоотлари давлат кадастри;
- тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри;
- автомобил йўллари давлат кадастри;
- темир йўллар давлат кадастри;
- брапорт қувирлари давлат кадастри;
- алоқа объектлари давлат кадастри;
- энергетика объектлари давлат кадастри;
- ишлаб чиқариш ва истемол чиқиндиларнинг кўмиб ташлаш ва ўзлаштириш жойлари давлат кадастри;
- таъбиий хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;


- техногин хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
- картография ва геодезия давлат кадастри;

**Хужалик хисобидаги ҳудудий ер тузиш ва кучмас
мулк кадастри хизматининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



1-шакл

**Хужалик хисобидаги туман (шаҳар) ер тузиш ва кучмас
мулк кадастри хизматининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



2-шакл

Давлат кадастри ягона тизимига қонун билан боғланадиган бошқа давлат кадастрлари ҳам кириши мумкин.

Давлат кадастрларининг объектлари бўлиб , ер фойдали қазилма конлари , белгилар ва техноген ҳосилалар , сувлар , ўрмонлар , ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси , алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар , табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тетроид ишлаб чиқариш ва истемол чиқиндиларини кўмиб ташлаш ва иллаштириш жойлари, бинолар ва иншоотлар , давлат геодезик таянч шахобчалари ва пунктлари , автомобил йўллари ва темир йўллар, муҳандислик коммуникатсиялари давлат кадастрларининг объекти бўлиб ҳисобланади.Қонунда давлат кадастрларинг бошқа объектлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат кадастрлари юритишнинг асосий принциплари ва вазифалари куйидагилардан иборатдир:

Кадастр объектларининг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини тўлиқ қамраб олиш; фазовий ва спутник координаталарининг ягона тизимини қўллаш; кадастрга доир ахборотни шакллантириш услубиятининг ягоналиги; кадастрга доир ахборотнинг аниқлиги ҳамда кадастрга доир ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги ва ҳақозолар.

Давлат кадастрларини юритишнинг асосий омиллари ва вазифалари :

- кадастр объекларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- кадастр объекларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;
- кадастр объектларини қиймат ва сифат жиҳатдан баҳолаш;
- кадастрга тегишли ахборотни тизимга солиш ва янгилаб бориш;
- кадастр объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;
- давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;
- фойдаланувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кадастрга доир ахборот билан таъминлаш;

Кадастр объектларининг мулкдорлари ҳамда мкадастр объекларига доир бошқа ҳуқуқларнинг тегишли вазирликлар , давлат қўмиталари , идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кадастр объектларининг географик жойлашуви , ҳуқуқий мақоми , миқдор , сифат тавсифлари ва баҳолаш тўғрисида , шунингдек уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар ҳақида ахборот тақдим этишлари шарт.

Давлат кадастрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва давлат кадастрлари юритилишининг молиялаштириш давлат бюджети ҳисобида амалга оширилади.

Кадастр объектига бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар , объектни йиғма жилди , кадастр харитакси (плани) , кадастр китоби , кадастр объектларининг ҳолати ҳақидаги ҳисобот кадастр ҳужжатларинингасосий турларидир.

Кадастр йиғма жилди кадастр объектига бўлган ҳуқуқни шакллантириш , ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган кадастр объектини кадастр суратига олиш , техник инвентаризация қилиш ва посларитлаштиришнинг , махсус текшириш ва изланишларини , сифат ва қиймат

жиҳатдан баҳолашнинг ҳужжатлари , материаллари ва маълумотларидан иборат бўлади.

Кадастр харитаси (плани) кадастр объектлари жойлашган ерни , уларнинг чегаралари , муҳофаза тегралари , баҳолаш , миқдор ва сифат тавсифларини акс эттиручи график чизма ҳужжат бўлиб , у магний , диск ва бошқа воситаларда тузилади.

Кадастр китоби кадастр объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг асосий ҳужжати ҳисобланиб, у кадастр объектларининг географик жойлашуви , ҳукукий мақоми , миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.

Кадастр объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича белгиланган тартибда тузилади ҳамда кадастр объектларининг алоҳида ҳуқуқлар ва Ўзбекистон Республикаси бўйича миқдор ва сифат ҳолати , баҳоси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан этироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик ҳужжати ҳисобланади.

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни трларига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кадастр объектларининг барча мулкдорлари ва кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари учун мажбурийдир.

Кадастр объектларини ҳисобга олиш вазирликлар , давлат қўмиталари , идоралар , маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли бўлинмалари томонидан кадастр объектларининг чегаралари доирасида , шунингдек аҳоли пунктлари , туманлар , минтақалар , табиий ва иқтисодий тегралар ҳамда бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича уларнинг амалдаги ҳолати ва улардан фойдаланишига кўра олиб борилади.

Ер участкасининг кадастр съёмкаси ва кадастр плани

Кадастр съёмкаси бу маълум бир ер участкасининг кортографик чегараларини аниқлаш ёки тиклаш учун ҳамда ўша ер участкасидаги тавсилотларнинг ва объектларнинг кадастр планида яқка тасвирланишини таъминлаш учун жойда олиб бориладиган махсус топографо-геодезик ўлчаш ишларидир. Кадастр съёмкаси асосан ердан туриб планга олиш усулида бажарилади. Кадастр съёмкаси масштаблари асосан кадастр ўлчаш ишлари олиб бориладиган ер участкасининг ҳажмига ҳамда техник топшириқда қўйилган талабларни қондирилишига қараб 1:200 , 1:500 ва 1:1000 масштабларда бажарилади.

Ер участкасининг кадастр плани бу ер участкасининг жойлашган ўрнини ундаги барча тафсилотлар , контурлар , чегаралар , шу ер участкасида жойлашган бино-иншоотлар , улардаги сув манбаалари , баҳоланиши лозим бўлган ер участкалар зоналари ҳамда бошқа мавжуд характерли кадастр объектлари аниқ тасвирланган график ҳужжатдир.

Ер участкасининг кадастр съёмкаси қуйидаги мақсадларда бажарилади:

- ер участкасининг чегаравий плани ва шу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг планларин тузиш ҳамда шу жойда

- ўрнатилган ва қайта ўрнатилган картографик материалларни кадастр ҳисобига олиш;
- Ер участкасининг ўрнатилган географик чегараларин боғлаш ундаги кўчмас мулк объектларидан ва ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқларини қонуний расмийлаштириш ҳамда ер участкасининг кадастр моделини қонунлаштириш ҳужжатларини тузиш;
 - Экин ва экинзорлар чегараларини аниқлаш ва ўрнатиш , ер участкаси ундаги сув манбааларининг ҳимояланиш зоналарини аниқлаш ва ўрнатиш , шу ер участкасидаги мавжуд инжинерли ва транспорт коммуникацияларининг ҳимоя зоналарини ўрнатиш , ҳамда мавжуд майдонли ва бошқа объектларнинг кадастрла характеристикаларини кадастр ҳисобига олиш;
 - Ер участкасидан фойдаланиш турлари , ердан фойдаланиш ва тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларни тўлдириш.

Кадастр съёмкасини бошқаришда қуйидаги асосий принциплар эътиборга олиниши ёки таъминланиши керак:

- кадастр планларида талаб қилинган аниқликда бошқарилиши лозим;
- кадастр ҳисобига олинган объектлар тасвирланишининг тўлиқлиги керакли даражада бўлиши керак;
- ер участкаси ва ундаги кўчмас мулк объектларнинг чегаралари қонуний тўлиқ аниқланиб кўрсатилган бўлиши керак;
- иқтисодий жиҳатдан қониқарли бўлиши керак;

Ер участкалари ва аҳоли яшаш пунктларининг кадастр съёмкалари махсус топографо-геодезик бўлимлари ва бошқа топографо-геодезик ишларни бошқаришга махсус рухсат ёки литсензияси бўлган ташкилотлар томонидан бажарилади.

Кадастр съёмкаси маҳаллий ёки шартли координаталар системасида бажарилиши мумкин. Бунда керак бўлган ҳолларда шартли координаталар системасидан маҳаллий координата системасига ўтишига имкон яратилган бўлиши керак.

Кадастр планларининг масштаблари шундай яратилган бўлиши керакки бунда план мазмунинг барча деталларнинг равшан ва аниқлиги таъминланиши лозим , кадастр планинг ўқимшлилиги ва тавсилотларнинг умумийлиги сақланган бўлиши лозим ва албатта ер майдонининг катта кичиклиги эътиборга олиниши зарур.

Жадвалда кадастр планлари тузиш учун асосий масштаблар келтирилган. Айрим ҳолларда планда кўрсатиладиган маълумотларнинг жуда кўплиги ёки аксинча бериладиган маълумотларнинг камлигига қараб масштаблар бирмунча катта ёки кичик масштабларда берилиши мумкин.

Ер участкаларининг кадастр съёмкаси одатда мавжуд бўлган топографик ҳужжатлар ва материаллардан картографик асос сифатида фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Айрим ҳолларда жойдаги топографик элементларда содир бўлган ўзгаришлар топографик планга киритилади.

Ер участкалари ва аҳоли яшаш пунктларида кадастр съёмкалари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- тайёргарлик ишлари , юридик ва картографик материалларни тўплаш ва анализ қилиш;
- ер участкалари чегараларини ўрганиш ва келишиш;
- жойда ер ости инженерлик ва транспорт коммуникациялари ҳимоя зоналарини аниқлаш ва ўрнатиш;
- ер участкасидаги кадастр элементларининг (қўчмас мулк объектлари , экин ва экинзорлар , сув ҳимоя зоналари ва бошқалар) съёмкасини бажариш;
- ер участкасининг топографик съёмкасини бажариш (мавжуд ўзгаришларни съёмка қилиш , ер релъуфини съёмка қилиш ва бошқа контурлар ва тафсилотларни съёмка қилиш) ;
- камерол ишлар материал ва ҳужжатларни келишиш , кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Тайёргарлик ишлари

Ер участкасининг кадастр съёмкаси ердан фойдаланиш ёки ерга егалик қилиш ҳуқуқига ега бўлган юридик ёки жисмоний шахсларнинг аризаларига асосан ўша ҳудудда жойлашган шаҳар ёки туман кадастр хизматлари томонидан амалга оширилади.

Аризада ариза берувчининг исм фамилияси ,ариза беришдан мақсади , ер участкаси жойлашган манзили , ер участкасининг фаолияти функцияси , майдони ва ер участкасига эгалик қилиш қилиш ёки фойдаланиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатилади.

Аризада мавжуд ҳужжатларнинг нусхаси илова қилинади.

- ер участкасига егалик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат;
- ер участкаси чегарасининг плани ёки схемаси;
- сервитутлар борлиги ёки йўқлиги тўғрисида ҳужжат;
- ер участкасига чегарадош участкалар тўғрисида маълумотлар;
- ер участкасини кадастр съёмкасини бажариш ишларига кетадиган харажатлар тўғрисида пул тўланганлик квитанциялари;

Ер участкалари ва аҳоли яшаш пунктларини кадастр съёмкасини бажаришда тайёргарлик ишларига киради:

- кадастр съёмкасини бажариш учун топшириқ тўлдириш;
- территориянинг топографик ва геодезик материалларини ўрганиш , анализ қилиш ва тўплаш;
- ер участкасига чегарадош бўлган участкаларнинг мавжуд топографо-геодезик материалларини ўрганиб чиқиш , анализ қилиш ва тўплаш;
- ҳуқуқий ҳужжатларни , лойиҳавий ҳужжатларни ва бошқа ер кадастри маълумотномалари;
- техник топшириқни тузиш;

Мавжуд ҳужжатлар ва материалларни йиғиш , тўплаш , ўрганиб чиқиш ва анализ қилиш шакллари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ер участкасини ажратиш тўғрисидаги материаллар ва ҳужжатлар;
- аҳоли яшаш пункти территориясида илгари бажарилган топографик , геодезик ва кадастр съёмкалари материаллари ва ҳужжатлари;
- ер участкасига чегарадош ер майдонларини кадастр планлари;

- ер участкасининг фотопланлари ва
- давлат геодезик шахобчалари турлари , геодезик таянч пунктлари ва геодезик съёмка асосларининг схемалари ва координаталар катологлари ;
- ер участкасида шахсий уй жойларининг инвентаризация кадастр ҳужжатлари;
- геодезик ва топографик пунктлар ва белгиларнинг инвентаризация материаллари;
- бош планлар ва аҳоли яшаш пунктлари қурилишининг плансервкеси ҳақидаги ҳужжатлари;
- агарда ер участкаси аҳоли яшаш пунктларидан ташқари қисмида жойлашган бўлса , аҳоли яшаш пункти бир қисмининг ва материаллари;
- ер участкасининг жисмоний ёки юридик шахсларга берилгани тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар;
- ер участкаси рўйхатдан ўтган кадастр китобидан кўчирма;
- ер участкаси чегараларига нисбатан келишмовчиликлар тўғрисидаги маълумотлар;
- ер участкасидаги мавжуд бўлган сервитутлар тўғрисидаги маълумотлар;
- ер участкасининг кадастрга тааллуқли бошқа ҳужжат ва маълумотлар;

Тўпланган барча материаллар ва ҳужжатларни ўрганиб анализ қилиб чиқиб , шунга асосан шу ер участкасида топографо-геодезик ишларни олиб бориш тўғрисида техник топшириқ тузилади ва бу техник топшириқ қуйидаги ҳужжатлардан иборат бўлиши керак.

- ер участкасининг жойлашган ҳудуди ва уни кадастр номерлари тўғрисидаги маълумот;
- ариза берувчининг Ф.И.Ш. ва манзили тўғрисида маълумот;
- ишни бажарувчининг Ф.И.Ш. ва манзили тўғрисида маълумот;
- бажарилиши лозим бўлган ишларнинг турлари ва ҳажми;
- бажарилиши лозим бўлган ишларнинг аниқликлари ва уларга қўйилган таълаблар;
- бажарилиши лозим бўлган ишлар қандай координата системаларида бажарилиши;
- ишларнинг бажарилиши ва ҳисобот ҳужжатларига қўйилган асосий ва қўшимча талаблар;
- ҳужжатларни топшириш тартиби ва муддати;
- иловалар;

Техник топшириқтасдиқлангандан сўнг шаҳар туман кўчмас мулк кадастр хизмати бўлимлар ва бюртмачи томонидан ер участкаси кадастр съёмкасини бажариш ва тўланиши лозим бўлган тўловлар ҳақида шартнома тузилади ва томонлар томонидан имзоланилади.

Ер участкасининг кадастр съёмкаси

Кадастр съёмкаси объектлари. Кадастр съёмкаси объектлари:булар шу ер участкасида мавжуд бўлган барча қўзғалмас мулклар , ситуация ва тафсилотлар ва кадастрга оид бўлган бошқа элементлар:

- жойда ўрнатилган қўзғалмас ер участкасининг чегараси;
- рўйхатга олинмиши лозим бўлган қурилган бино иншоатлар;

- ер ости муҳандислик коммуникациялари;
- кўп йиллик дарахтлар ва боғларнинг контурлари;
- тақиқланган ер участкасининг контурлари ;
- ер ости ва ер усти инжинерлик коммуникация магистрлари;
- ер участкасидаги мавжуд ер ости муҳандислик коммуникациялари керак бўлган ҳолларда буюртмачининг топшириғига асосан;
- сув ҳимоя зоналари ва муҳандислик ва транспорт коммуникациялари ҳимоя зоналарининг чегаралари;
- ер участкаси периметрида жойлашган ва шу ер участкасида жойлашган иншоотлар ва қурилишлар учун техник хизмат кўрсатадиган ва бошқа ҳимоя зоналари;
- ер участкалари атрофида жойлашган қишлоқ ҳўжалик экинлари;
- гидротехник иншоотлар;

Ер участкасининг кадастр планининг тузиш асосий вазифалардан бири бу план ва кортографик асосларда ер участкасининг чегарасини аниқ қўйиш ва ўрнатишдир. Аҳоли яшаш территорияларида ер участкасининг чегараси қизил чизик билан белгиланади. Қизил чизик бино-иншоотлар фасад қисмининг чегараси бўйлаб ўтказилади, ер участкасининг орқа томонлари чегаралари ва қизил чизиклари ер ажратиш материаллари яни архитектура режалаш топшириғи (архитектура план архивини задания А.Б.З.) яни ҳуқуқий эгаликни тасдиқловчи ҳужжатлари орқали ўтказилади. Ер участкалари чегараларини аниқлаш қийинлашган территорияларда ҳамда ердан фойдаланувчилар томонлардан ер участкаси чегараси билан тортишувлар бўлмаган ҳолларда қизил чизик ер эгаларининг ўзаро келишилган чегаралари орқали ўтказилади. Бино-иншоотларнинг фасат қисмида ер участкасининг чегараси кварталнинг қизил чизик орқали аниқланади, бунда чегарани туруни аниқлаш ва қизил чизикни ўтказишда жавобгарлик ишлари кадастр хизмати бўлимларига юклатилади. Агарда шаҳар ва аҳоли яшайдиган ер участкаларини ажратиш ишлари ва материаллар кадастр хизматига юклатилган бўлса. Агарда ер ажратиш ҳуқуқлари кадастр хизматига юклатилмаган ҳолларда ер участкасининг кадастр планларига қизил чизикларни ўз территория ҳудудига архитектура бўлимлари томонидан юклатилади.

Агарда шаҳарлар ёки аҳолининг яшаш пунктларининг қайсидир бир қисмининг ишлаб чиқилган ва тасдиқланган деталнинг планировкалар лойиҳалар (П.Д.П.праект детальной планировка) бўлган ҳолларда қурилиш участкаларини қурилиш жойида аниқланади ва ўрнатилади. Бунинг учун қурилиш ишлари олиб бориладиган кварталларда қурилиш участкалари чизиклари бўйлаб қурилиш участкалари оралиғида контур бўйлаб икки жуфт маҳкам нуқталар аниқланади ёки бу нуқталар маҳкам қозиклар билан жойида маҳкамланади ва бу нуқталарга планли координаталар билан координаталаштирилади. Бунда қурилишлар чизиклар орасидаги хатолик 0.25 м дан ошиб кетмаслиги керак.

Бундай ҳолларда ҳудудий архитектура бўлимлари қурилиш чизикларидан ўтадиган ер участкаларининг бурилиш нуқталари координаталари келишиши керак.

Ер участкасининг чегараларини қайтадан тиклаш ҳолатлари содир бўлган ҳолларда олдиндан бажарилган кадастр съёмкаси материалларидан фойдаланилади. Бундай ҳолларда кучли ер участкалари чегараларининг бурилиш бурчак нуқталари жойда кўчирилаётган вақтида қайтадан координатлаштирилади олинган барча маълумотлар кадастр ишлари сифатида баҳолашда қўлланилади.

Ер участкасининг бошқа қўшни чегара ер участкасининг чегарасининг бурилиш нуқталарининг координаталари қайта ҳисоблаб чиқилади. Олдин ҳисобланган координаталар билан фарқи хато чекининг иккиланганидан ёки 1.5м дан ошиб кетган тақдирда тайёрланган кадастр съёмкаси ҳужжатлари аниқ қилиб ўрганилиб чиқилади ва қайта ишлаб чиқиш учун ижрочиларга қайтариб юборилади. Агар координаталар фарқи хато чекидан ошиб кетмаган бўлса ер участкасининг координата жойлари асос қилиб олинади. Кадастр съёмкаси ишларини бажариш учун ушбу координата ишларидан фойдаланилади.

Алоҳида жойлашган бино-иншоотларнинг ер участкалари учун хизмат кўрсатиш зоналари ер участкаси егаллаб турган ер майдонинг ҳисобига киритилади. Ҳамда киритилган ерлар ҳам шу ер участкасининг ҳисобига киритилади.

Ер участкасининг чегаралари , плани картофик асосга қуйидаги тарзда туширилади:

- кадастр съёмкасиматериаллари ва ҳужжатлари асосида;
- олдинги йилларда бажарилган планли-картографик ҳужжатлардан ўтказиш. Агарда чегарада ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган ҳолларда ҳамда чегара илгари барча техник талаблар асосида туширилган бўлган тақдирда;

Ҳақиқатда фойдаланилаётган ер участкаларининг (агарда жойда ўрнатилган белгилари йўқолган бўлса ёки чегара бурилиш нуқталарининг координаталари олдиндан аниқланмаган ёки йўқолган бўлган ҳолларда) чегараларини қайтадан тиклаш ёки ўрнатиш ишлари ер участкаларининг ҳамда қўшни ер участкаларининг эгаларининг келишилган ҳолда кўрсатган нуқталар ва чизиқлари орқали ўтказилади ва ўрнатилади. Бундай ҳолларда чегаралар ҳар хил ер участкаларидан фойдаланувчиларнинг яъни ер эгаларининг иштирокида текширилади.

Жойда ер участкасининг чегараларини келишиб ўрнатиб бўлгандан сўнг унинг чегара чизиқлари (агарда жойда чегара девори ёки ҳақиқий чегаралар бўлмаган ҳолларда) махсус белгилар билан маҳкамланади. Махсус маҳкамланган чегара белгилар жойдаги мавжуд доимий контурларга (дарахт , электр сим ёғочлари , бино-иншоотлар бурчаклари ва ҳакозо) чизиқли кесиштириш усулида масофалари ўрганилиб боғланилади.

Ер участкаларининг чегараларини келишиш ва ўрнатиш ишлари натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Бу далолатномага ер участкасининг эгаси , қўшни ер участкаларидан фойдаланувчилар ёки эгалари , агарда эгалари бўлмаган ҳолларда уларнинг вакиллари , чегарани келишишида ҳамда ўрнатишда иштирок этган ижрочилар томонидан имзоланилади ва ҳудудий кадастр хизмати томонидан тасдиқланилади.

Ер участкасининг эгаси ҳам бошқа қўшни ер участка эгалари ёки ердан фойдаланувчилари ўртасида қандайдир чегара ёки бошқа характерга эга бўлган тортишув ёки келишмовчиликлар рўй берган ҳолларда планли-картографик асосга чегарадошларнинг келишилган ҳолдаги кўрсатмаларига асосан вақтинчалик сифатида чегаранинг ҳамма нуқталари туширилади. Ер участкаси чегарасининг ҳақиқий сўнги ўрни Ер қонунида кўрсатилган тартиб асосида ўрнатилади.

Ер участкаси чегарасининг келишилган , ўрнатилган ва жойда маҳкам беркитилган бурилиш нуқталари координатлаштирилиб , геодезик таянч шахобчалари пунктларига геодезик усулларда боғланилади. Ер участкаси чегараси бурилиш нуқталарининг олинган координаталари ер участкаси чегарасини геодезик фундаментал маҳкамлашга , ер участкаси майдонини аналитик усулда аниқлашга , ер участкасининг кадастр планини тузишда , кадастр съёмкаси чегарасининг математик моделини ясашда ҳам ер участкаси чегарасини картографик материаллар ва ҳужжатларга ўтказишда хизмат қилади.

Қурилишлар ва инфраструктура элементлари.

Капитал қурилган бино-иншоотларни съёмка қилиш да уларнинг маҳсади (аҳоли яшайди ёки яшамайди), қоватлилиги; ҳолати (бинонинг физик ҳолати тўғрисида маълумот) ҳамда бино-иншоотларнинг номерлари кўрсатилади. Бино-иншоотларнинг фасад чизигидан архитектуавий чиқиши ёки кириши 0.25 смдан кўп бўлса ҳамда бино-иншоотларнинг кирш ва чиқиш қисимлари (подъезд) ҳам съёмкада кўрсатилади.

Ер участкаси планида ер участкаси майдони ичида жойлашган инженерлик коммуникациялари объектлари тасвирланилади.

Гидрографик ва гидротехник бино иншоотларнинг **лемитларини** съёмка қилишда планли картографик асосларга уларнинг ҳақиқий размерлари ва қийматлари аниқ қўйилади.

Топографик съёмка ишларининг геодезик асослари.

Геодезик съёмка асослари махсус йўриқномалар ва қўлланмалар асосида барпо этилади ва бунинг учун бажарилиши лозим бўлган ишлар;

- ер участкаси чегарасининг бурилиш нуқталари координаталарини аниқлаш;
- съёмка ишлари бажарилаётган объектга талукли бино-иншоотлар бурчакларининг координаталарини аниқлаш;
- ер ости инженерлик коммуникацияларини чиқиш моқларининг координаталарини аниқлаш;
- тафсилотлар ва ситуациялар съёмка қилиш .

Геодезик съёмка асослари барпо қилиш учун асосий нуқталар бўлиб; Геодезик съёмка шахобчалари, давлат геодезик таянч шахобчалари I ва II разирытлы трангуляция ва полигономитрик пунктлари хизмат қилади.

Ер участкалари чегараларини жойда қайтадан ўрнатишда ер участкаси чегарасининг бурилиш нуқталарининг координаталари аниқланиб жойда маркировка қилинади.

Геодезик съёмка асоси геодезик таянч пунктларига боғланган ҳолда барпо этилади ёки геодезик таянч пунктларига боғланмаган ҳолда барпо этилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда геодезик съёмка асосини кейинчалик керак бўлган вақтларда Давлат геодезик шахобчасига боғлашга имконият бўлиши керак яъни геодезик съёмка асосининг бир қисми 4 тадан кам бўлмаган пунктлар ёки нуқталари жойда узоқ вақт сақланадиган қилиб маҳкам белгилар билан ўрнатилиши лозим.

Геодезик съёмка турларининг нуқталарининг планли координаталари геодезик теодолит йўлларини ўтказиш билан ёки микротриангуляция тўрларини ясаш билан , чизикли ва бурчак трилотерация тўрларини барпо этиш билан , ернинг суний йўлдошларини кузатиш (GPS қабул қилиш системалари ёрдамида) ва бошқа усулларда 1:500 масштабли топографик съёмка аниқлигини таъминловчи бошқа усуллар аниқланилади.

Планли съёмка геодезик тўрлари ва худди шундай доимий съёмка асосининг планли нуқталари (контур нуқталари ва ер ости коммуникация люклари ва бошқалар) нинг координаталарини аниқлаш хатолиги Давлат геодезик таянч пунктларига нисбатан съёмка нуқталарининг бир бирига нисбатан ўрнини аниқлаш хато чекининг иккиланганлигидан ошиб кетиши керак.

Геодезик съёмка тўрларининг нуқталари жойда одатда вақтинчалик белгилар (метал штирлар , метал қозиқлар , ёғоч қозиқлар ва бошқалар) билан маҳкамланилади. Аҳоли яшаш пунктларида ва қурилиш жойларида съёмка нуқталари қилиб капитал бино-иншоотларнинг бурчаклари , ер ости инженерлик коммуникациялари қудуқлари ва люклари қопқоғининг марказлари ва бошқа жойда яққол кўриниб турган ва ерга маҳкам беркитилган контурлар ҳам қабул қилиниши мумкин. Кварталлар қурилишлари чизикларининг яқин бурчакларининг координаталари аниқланилиб доимий геодезик съёмка асоси қаторига киритилиши мумкин. Доимий геодезик съёмка асосининг нуқталарига алоҳида координаталар катологи тузилади.

Геодезик съёмка асослари қуйидаги геодезик асбоблар ёрдамида барпо этилади:

- ўрта аниқликдаги оптик теодолитлар Т-S , Т-SK;
- компарирланган пўлатленталар ва рулеткалар;
- свитодольномерлар;
- электрон тахиометрлар;
- GPS қабул қилиш системалари ва бошқалар;

Теодолит йўллари геодезик таянч пунктлари оралиғида алоҳида йўллар билан ўтказилади ёки 2та геодезик таянч пунктлари оралиғида ёпиқ полигон сифатида ўтказилиши мумкин. Ҳамда боғловчи нуқталар системаларидан иборат йўллар бўйича ўтказилиши мумкин.

Горизонтал бурчакларни ўлчаш чекли хатоси қуйидаги формула орқали аниқланилади:

n -теодолит йўлидаги бурчаклар сони.

Горизонтал масофаларни ўлчаш хато чеки 1:2000 дан катта бўлмаслиги керак.

Алоҳида ер участкаларини съёмка қилишда 2та геодезик таянч пунктларига боғланган ёпиқ полигон теодолит йўллари ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Айрим ҳолларда таянч геодезик пунктларига ёки геодезик съёмка асоси пунктларига ёпишганузузлиги 100 м гача бўлган 3та томондан иборат осма теодолит йўллари ўтказилишига ҳам йўл қўйилади.

Геодезик съёмка асосларини электрон тахеометр кутбий усулда Давлат геодезик таянч таянч пунктларида туриб барпо этишда томон узунлигини 1000 м гача узоқликда олишга ҳам рухсат берилади. Бунда горизонтал бурчакларнинг ўрта квадратик хатоси 15" дан ошиб кетмаслиги керак.

Аҳоли тортилган ёки ётқизилган теодолит йўллари 2 та таянч пунктларга ва бошланғич дирекцион бурчакка боғланган бўлиши шарт.

План олиш съёмка турларини электрон тахеометрлар ёрдамида (ўлчаш натижаларини тўплаш ва рўйхатга олиш билан) бир вақтнинг ўзида ҳам топографик съёмка ишлари бажарилади ҳамда план олиш шахобчалари барпо этилади.

Геодезик съёмка асосини барпо этишда қуйидаги талаблар бажарилиши шарт:

- геодезик таянч шахобчаси пунктлари оралиғида ўтказиладиган теодолит йўлларининг узоқлиги 0,9 км дан ошиб кетмаслиги керак;
- битта геодезик таянч шахобчаси ва тугун пунктлар оралиғида теодолит йўлининг узоқлиги 0,6 км дан ошиб кетмаслиги керак;
- теодолит йўлидаги абсолют хато чеки 0,3м дан ошиб кетмаслиги керак;
- Теодолит йўллари томонларининг масофаларини ўлчашда светодольномер ёки электрон тахеометрлар қўлланилганда теодолит йўлининг узоқлиги 1,3 баробарга яъни 1,2км га узайтирилиши мумкин. Бунда теодолит йўлида томонлар сони 20тадан ошиб кетмаслиги керак;

Темир йўл станцияларида теодолит йўлининг узоқлиги темир йўл станциясининг схемасига қараб аниқланади.

Теодолит йўли пунктларининг координаталари оддий методларда тенглаштирилади ёки ҳисобланилади. Бунда горизонтал бурчаклар қиймати 0,1 аниқликда ва координаталар 0,01 м аниқликда ҳисобланилади.

Геодезик съёмка турларини барпо этиш натижаларига кўра қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

- бошланғич геодезик таянч пунктларни қидириб топиш ва ўрганиш ведомостлари;
- геодезик съёмка асоси турининг схемаси;
- доимий геодезик съёмка асоси пунктларининг катологи ;
- бурчаклар ва масофалар ўлчаш дала журналлари ;
- геодезик съёмка турларининг пунктларини тенглаш ва координаталарини ҳисоблаш ведомости;
- узоқ вақтга махкамланган ва сақланиши лозим бўлган нуқталарни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси;
- узоқ вақт сақланиши лозим бўлган ва махкамланган нуқталарнинг координаталар катологи;

Территорияларни съёмка қилиш.

Ер участкасининг кадастр съёмкасини олиб боришда бажариладиган дала ишлари қуйидагилардан иборат бўлади ва булар тайёргарлик ишлари ва кадастр ҳужжатларини тузиш учун бажариладиган топографо-геодезик ишлар ҳамда ўлчаш натижаларини камерол ишлаб чиқиш ва шу билан биргаликда:

- Ер участкасини жойда ўрганиб чиқиш;
- Ер участкасининг лойихавий ва ҳақиқатдаги чегарасини ўрганиш ёки қайта тиклаш;
- Ер участкаси чегарасининг бурилиш нукталарини маркировка қилиб чиқиш;
- Тафсилотлар ва ситуацияларни съёмка қилиш;

Ер участкасини жойда ўрганиб чиқиш бу- ер участкасида съёмка қилиниши керак бўлган объектлар ва ишлар сонини аниқлаш ; Ер участкасининг чегараси ерга эгалик қилиш ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар билан мос келишини ўрганиб чиқиш; ер участкасида мавжуд бўлган магистрал ва бошқа инженерлик коммуникацияларини аниқлаш; мавжуд ҳимоя зоналарини аниқлаш ; жамоат ёки шахсий сервитутлвҳарни аниқлаш, ҳамда кадастр съёмка ишларини ташкил қилиш.

Ер участкасининг чегараси ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар (ҳудуднинг бош плани , ер участкасини ажратиш ҳужжатлари ва бошқалар) билан мос келишини аниқлаш жойдаги маҳкам контурлардан ўлчаш ишларини олиб бориш орқали амалга оширилади. Ер участкасининг лойихавий чегарасини жойга қўчириш ишлари қўшни участкалардаги капитал қурилган бинолар бурчакларига нисбатан ёки кварталнинг қизил чизиғига асосан амалга оширилади.

Ер участкасининг фасад қисми чегараси одатда квартал қизил чизиғи билан мос келади. Орқа тарафдаги қўшни участкалар билан тўсиқ деворнинг ўқ чизиғи ҳисобланилади.

Агарда ер участкаси чегарасининг бурилиш нукталарини ўрнини геодезик съёмка жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда уларнинг ўрнини теодолит йўли пунктларига нисбатан қуйидаги усулларда аниқланилади.

-геодезик асос нукталаридан камида учта пунктдан кам бўлмаган пунктлардан чизиқли кесиштириш усулида;

-3та пунктдан кам бўлмаган геодезик асос пунктларидан бурчак кесиштириш усули

-геодезик асосининг 2та пунктидан турибчизиқ ва бурчак кесиштириш усули (қутбий усул);

- теодолит йўли томонларига нисбатан қўшимча усуллар: створ усули ; перпендикуляр тушириш усуллари.

Жойда ўлчаниб ўтказилган чизиқлар ва координаталар бўйича аналитик усулда ҳисобланган чизиқлар ва линияларорасидаги фарқ 0,1м дан ошиб кетган тақдирда йўл қўйилган хатолик топилади ва тузатилади. Чегара чизиқларининг узунлиги бир мунча ошиб кетган ҳолларда чегара чизиқларининг ҳар 50-80 м оралиқларида қўшимча нукталар белгиланиб бу нукталар ҳам координатлаштирилади.

Ҳар қандай ҳолатда еручасткаси чегарасининг бурилиш нуқталарининг ўрнини аниқлаш 2 хил усулда чизикли ва бурчак кесиштириш усулининг 2 хил вариантыда бир бирига солиштириш учун олиб борилади.

Ер участкаси чегараси томонларининг узунликларини ўлчаш имкони бўлган ҳамма жойларида узунликлари ўлчанади ва бу текшириш учун ўлчанган қийматлари ва натижалари алоҳида журналда ёки ведомостда кўрсатилади. Ер участкасининг майдонини ҳисоблашда йўл қўйиладиган айрим хатоликларни баҳолашда ва бартараф этишда қўлланилади.

Ер участкаси чегарасининг бурилиш нуқталарининг координаталарини аниқлашда ҳозирги вақтда спутник геодезик ўлчашишларни олиб бориш методлари ёрдамида GPS приёмликлари ёрдамида , геодезик ва фотограмметрик методлар ҳам қўлланилмоқда , айрим ҳолларда алоҳида нуқталар маҳкам контурлар бурчакларига нисбатан аниқланилади.

Мабодо ер участкасининг чегараси лойихадан жойга кўтарилмаган бўлган тақдирда яъни чегара жойда маҳкамланмаган бўлганда кадастр планига унинг лойиҳавий чегараси туширилади , аведомостда ер участкаси чегарасининг бурилиш нуқталари координаталарининг лойиҳавий қийматлари кўрсатилади.

Ер участкасида топографо- геодезик ишларни электрон тахеометр ёрдамида бажаришда бир вақтнинг ўзида геодезик съёмка асосларини барпо этиш , ер участкаси чегарасининг бурилган нуқталарининг координаталарини аниқлаш доимий геодезикасос пунктларининг координаталарини аниқлаш ва кадастр съёмкасини бажариш ишларини олиб боришга йўл қўйилади.

Ер участкасида ситуациялар ва тафсилотларни съёмка қилиш аҳоли яшаш территорияларида 1:500 масштабда горизонтал съёмка ишларини бажариш СНиП 11-104-97 йўриқномасида кўрсатилган тартибда олиб борилади.Бунда съёмка қилиниши керак бўлган иобъектни мақсади ва фаолиятлари эътиборга олинади.

Аҳоли яшаш пунктларида жойнинг горизонтал съёмкалари қуйидаги методларда олиб борилади. Геодезик кесиштириш , қутбий ёки комбинация усулларида олиб борилади. Съёмка усуллари асосан ер участкасининг рақамли планларини олиш учун қаратилган бўлиши керак.

Ҳар қандай съёмка ишларини бажариш давомида жойнинг абриси тузилиши керак , бино ва иншоотларнинг обмерлари (ўлчамлари) бажарилиши керак ҳамда улар ўртасида текшириш ўлчаш ишлари олиб борилиши керак.Бурчак ва чизик кесиштириш усуллари қўллаган ҳолларда чизик узунлиги 50 м дан ошиб кетмаслиги керак , ҳамда бурчак кесиштиришда ўткир ва ўтмас бурчаклар 25-155 оралиғида бўлиши керак.

Қутбий усулни қўллаган ҳолда чизик узунликлари қуйидагидан ошиб кетмаслиги керак.

- электрон тахеометрда -250м;
- пўлат лента ва рулеткаларда -120м;
- оптик дольномерларда -80м;

Жойдаги маҳкам нуқталарни съёмка қилишда ипли долъномерлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди, тақиқланади.

Горизонтал бурчаклар теодолит ёрдамида битта ярим приёмда 1 аниқликда ўлчанилади.

Съёмка ишларини олиб боришда қуйидаги асосий характерли нуқталар координатлаштирилади:

- ер ости инженерлик коммуникацияларининг чиқиш жойлари, люклари;
- рўйхатга олинishi лозим бўлган капитал қурилган бино-иншоотларнинг бурчаклари;
- кварталларнинг қизил чизикларини ўтказиш зарур бўладиган жойдаги маҳкам жойлашган контурлар ва қурилиш чизиклари;

Ер участкасининг горизонтал съёмкалари натижасида қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

- съёмка абриси ва журналлари;
- бино-иншоотларнинг контрол обмерлари;
- ер участкасининг кадастр планининг асли;
- ер участкаси чегарасининг чизма ва схемалари;
- ер участкаси чегарасининг бурилиш бурчакларининг координатларини ҳисоблаш ведомости ва ер ости инженерлик коммуникациялари чиқиш люкларининг ҳамда рўйхатга олинishi лозим бўлган бино-иншоотларнинг бурчакларининг координатларини ҳисоблаш жадвали , ведомости;
- ер участкасининг майдонини ҳисоблаш ва аниқлигини баҳолаш ведомости;
- контурлар майдонлари ва ер экспликациясини ҳисоблаш жадваллари;
- ер участкаси чегарасининг бурилиш бурчакларининг координаталар катологи;
- ер ости инженерлик коммуникацияларининг чивишлари ва бурилиш нуқталарининг хилларига қараб водопровод , канализация ва бошқаларнинг координаталар катологи;
- рўйхатга олинishi зарур бўлган бино-иншоотлар ва объектларнинг бурчакларининг координаталар катологи;

Инженерлик коммуникацияларни съёмка қилиш.

Ер участкаси майдони ичида жойлашган ёки мавжуд бўлган ер ости ва ер усти инженерлик коммуникацияларини съёмка қилиш ишлари юридик ва жисмоний шахслардан иборат бўлган буюртмачиларнинг қўшимча буюртмасига асосан ҳамда инженерлик коммуникацияларнинг планини тузиш мақсадида бажарилади ёки амалга оширилади.

Ер участкаси майдони ичида жойлашган инженерлик коммуникацияларини съёмка қилиш объектлари бўлиб:

- ер ости ва ер усти инженерлик коммуникациялари;
- ундаги иншоотлар ва қурилмалар (кузатиш қудуқлари , колодезлар ва хаказолар);

Инженерлик коммуникация иншоотларини комплекс съёмка қилиш ишлари таркибига қуйидагилар киради:

- ижройи съёмка ва чизикларда мавжуд ҳужжат ва материалларни тўплаш ва анализ қилиш;

- ер ости инженерлик коммуникация иншоотлари қудуқлар (колодецлар) ни ўрганиб чиқиш;
- ер ости ва ер усти инженерлик коммуникацияларининг чизиқлари (люклар) ва бурилиш нуқталарини ер устига планли ва координаталарга боғлаш;
- инженерлик коммуникация иншоотларини нивелирлаш;
- ер юзига чиқмаган ер ости коммуникацияларини қидириб топиш ва съёмка қилиш;
- инженерлик коммуникацияларининг планини тузиш ва ундан фойдаланаётган ташкилотлар билан унинг тўлиқ кўрсатилганини келишиш;

Дала ишлари бошлангунга қадар қуйидаги хужжатлар ва материаллар тўпланилади:

- инженерлик коммуникацияларининг лойихавий материаллари ва хужжатлари;
- инженерлик коммуникация материалларига тупроқ қатламининг таъсири тўғрисида лойиха да кўрсатилган маълумотлар;
- лойихада кўрсатилган ер ости сувларининг сатхи тўғрисида маълумотлар;
- ижройи съёмка чизиқлари;
- инженерлик коммуникациялари қурилган йиллари ва ойлари тўғрисида маълумотлар;

Ер ости коммуникацияларини ўрганиб чиқишда қуйидагилар аниқланилади:

- инженерлик коммуникацияларининг мақсади;
- трубаларнинг материаллари ва диаметрлари;
- каналларнинг материаллари ва типлари;
- трубалар ва кабелли канализацияларда трубалар ва кабеллар сони;
- сув оқиш йўналишлари (канализация ва сув оқиш трубаларида);
- қўшни колодец ва қудуқларнинг йўналишлари;
- бино-иншоотларга кириш йўллари;
- инженерлик коммуникацияларининг схемаси;

Ер ости инженерлик коммуникация объектларини нивелирлашда асосан қудуқ қопқоғининг айланасининг баландлиги аниқланилади, колодец ичидаги трубаларнинг баландлиги, канализация қудуқларида канализация қувурининг баландлиги агар қудуқ очик ҳолда бўлса сувнинг чуқурлиги. Нишабликлари аниқланилади. Трубалар баландлиги, кабеллар каналлар, лотокларнинг баландлиги колодси қопқоғининг айланасига нисбатан 1 см аниқликда ўрганилади.

Ер ости иншоотлари колодецларида (қудуқларида) қуйидаги нивелирлаш ишлари бажарилади.

- канализация лотокларининг тубининг баландлиги;
- колодецларга кираётган ва чиқаётган қувурларнинг баландликлари, агар бир нечта қувур бўлса ҳамма қувурларнинг баландликлари нивелирланади;
- сув тўплаш қудуқларида қудуқларнинг чуқурлиги (туби) кираётган ёки чиқаётган трубаларнинг пастки қисми;
- напорли трубапреводларда трубаларнинг юқори қисмининг баландлиги;

- каналлар ва каллекторларда каналларнинг пастки ва юқори қисмларининг баландликлари аниқланилади;
- ер ости кабелли турларида кабелларнинг колодец деворлари билан бирлашган жойлари , кабелли канализацияларда блоklarнинг пастки ва устки қисмларининг баландликлари нивелирланади;

Ер ости иншоотларининг кўз билан кўриб бўлмайдиган айрим бурилиш бурчаклари . трубалар ва кабеллар уланган жойлар (узеллар) ҳамда уларнинг қанча чуқурликда жойлашганликлари махсус труба искателлар ёрдамида аниқланилади.

Ер ости ва ер усти инженерлик коммуникацияларнинг сийраклиги ва қалинлигига қараб инженерлик коммуникацияларининг плани ёки ҳар хил тузилиши мумкин.

- ер участкаси топографик плани билан биргаликда;
- ер ости ва ер усти коммуникацияларининг алоҳида-алоҳида планлари; Инженерлик коммуникацияларининг съёмкасининг натижасига кўра қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур;
- ер ости ва ер усти қудуқларини (колодецларини) ўрганиб чиқиш журнали;
- ер ости иншоотларининг съёмкасининг абрис ва техникавий нивелирлаш журнали;
- ер ости ва ер усти иншоотларининг улардан фойдаланувчилар билан келишиб тасдиқланган плани;
- ер ости ва ер усти иншоотларининг кириш ва чиқиш жойлари ҳамда бурилиш бурчакларининг планли ва баландлик координата каталоглари ва ведомостлари;
- ер ости иншоотларига тупроқ қатламларининг таъсири ва ер ости сувларининг сатхи тўғрисидаги лойиҳавий материаллари ва ҳужжатлари;
- ер ости ва ер усти иншоотларининг қурилган йиллари , ойлари ва кварталлари тўғрисида маълумотлар;

Ер участкаси кадастр планининг оригиналини тузиш.

Ер участкасининг кадастр планлари ананавий оддий ватман қоғозларда ёки агар бюртмаси талаб қилинган ҳолларда ёки норматив ҳужжатларда кўрсатилган бу рақамли ҳолатда (рақамли электрон карталар) сифатида тузилади.

Оригинал планлар яхши маҳкам қоғозларда , ловсанли плёнкаларда ва фотопланларда («Условные знаки для топографических планов масштаба 1:500-1:5000. изд Недра 1989 й») асосида тузилади. Ер участкасининг кадастр планига ер участкаси чегарасининг бурилиш нуқталари бино-иншоотларнинг бурчаклари , ер ости ва ер усти инженерлик коммуникацияларининг чиқиш ва кириш нуқталари координатлари бўйича максимал аниқликда туширилади. Ер участкасининг кадастр планларида қуйидаги маълумотлар аниқ кўрсатилади:

- геомаълумотлар (ер участкаси чегарасинингбурилиш нуқталари орасидаги масофалар ва бу оралиқ чизиқларининг дирекцион бурчаклари);
- шартли белгилар (план легендаси);
- томонлар манзиллари;
- ер участкасини кадастр съёмкасини бажарган санаси кун , ой ва йил;

- кадастр планининг масштаби;
- ер участкаси экспликацияси;
- ер участкаси чегарасининг ёзма характеристикаси;
- кўшни ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар(кўшни ер участкаларидан фойдаланувчиларнинг номлари , манзиллари ва кадастр номерлари);
- ер участкасининг ҳимоя зоналари , сервитутлар зоналари;
- жойда маҳкамланмаган чегара бурилиш нуқталари ва чегара чизиқлари;

Ер участкасининг чегаралари фақат юридик ва техник ҳақ ҳуқуқ ва кучга эга бўлган ҳужжатлар ва материаллар асосида туширилади. Агарда ер участкасининг чегаралари жойда чизиқли элементли иншоотлардан (йўл , тўсиқ , девор , зобор ва каналлар) иборат бўлса бу объектларнинг жойдаги ҳолати бўйича кадастр планига аниқ ва тўғри туширилиши керак.

Кадастр планида ер участкасида жойлашган барча бино-иншоотлар ва уларнинг мақсадлари (аҳоли яшайди , яшамайди) қаватлилиги ва физик ҳолатлари ҳам аниқ тасвирланилади.

Ер участкасининг кадастр планига ер ости ва ер усти инжинерлик коммуникацияларини съёмкаси материаллари ёки улардан фойдаланувчи ташкилотлар материаллари асосида туширилади. Агарда ер участкасида тафсилотлар жуда тифиз ёки зич бўлган ҳолларда инжинерлик коммуникация иншоотлари плани алоҳида тузилиши мумкин.

Гидрография ва гидротехник иншоотларни съёмка қилишда кадастр планига уларнинг ҳақиқий размерлари туширилади. Ажратиш ва фойдаланиш полосалари юридик ва техник ҳужжатлар асосида туширилади.

Ер участкаси чегараси атрофида жойлашган қишлоқ хўжалик экин ерлари (шудгор , кўп йиллик дарахтлар , боғлар ва бошқа тафсилотлар) кадастр планида уларнинг жойланишига қараб керакли шартли белгилар ва ёзувлар билан тасвирланилади.

Дала ишларини текшириш ва қабул қилиш.

Далада бажариладиган топографо-геодезик ва кадастр ишларини ҳамма этапларида назорат қилиш ишлари олиб борилади. Бундай назорат ишларининг мақсади бажарилаётган дала ишлари программа асосида , тузилган техник топшириққа биноан талаб қилинган технология бўйича сифатли ва юқори аниқликда олиб боришини таъминлашдир. Унча катта бўлмаган объектларда уларнинг бажариш муддат 1 ойдан кам бўлган ҳолларда назорат ишлари , объектни қабул қилиш ишлари билан биргаликда олиб борилиши мумкин.

Дала ишларини назорат қилиш жараёнида далада бажарилган барча ишлар асбоблар ёрдамида текширилади. Бунда ўлчанган дала ишларини аналитик текшириш , далада тузилган ўлчаш журналлари ва техник ҳужжатларни кўриб чиқиш ва бошқа ишларни кўздан кечириб чиқиш.

Текшириш ишларини олиб бориш жараёнида текширувчи томонидан қуйидагилар аниқланиши керак:

- ижрочи томонидан мавжуд методик йўриқномалар , қўлланмалар ва бошқа техник шартлар ва техник топшириқларга риоя қилинганлигини аниқлаш;

- далада техник хужжатлар ва журналларни расмийлаштиришда , йўриқномалар ва қўлланмаларда талаб қилинган аниқликларнинг бажарилишини аниқлаш;
- мавжуд геодезик асбобларнинг ҳолатини , уларнинг текширилганлиги ва тузатилганлигини аниқлаш;
- ер участкаси чегарасини жойда тўғри ўрнатилганлигини ва чегарани қўшнилар билан келишиш далолатномасининг тузилганлигини ва бошқа барча ҳужжатларнинг етарли ва тўлиқлигини аниқлаш;
- ер участкаси майдонининг тўғри ҳисобланишини ва ер участкасини майдонини аниқлашда айрим йўл қўйилган хатоликларни аниқлаш;

Дала ишларини текшириш натижалари асосида махсус далолатномалар тузилиб томонлар томонидан имзоланилади. Далолатномада бажарилган ва текширилган барча ишларнинг натижалари , ҳар бир текшириш ишларининг ҳажмлари аниқ кўрсатилади. Улардан ташқари далолатномада йўл қўйилган айрим хатоликлар тўғрисида кўрсатмалар ва ишни давом эттириш тўғрисида ҳам керакли кўрсатмалар берилади.

Далолатнома икки нусхада тузилади , бир нусхаси текширув ишларини олиб борган шахсда ва иккинчи нусхаси дала ишларини олиб борган шахсда бўлади.

Дала ишлари тўлиқ ёки унинг бир қисми тугагандан сўнг ишлар қабул қилиш учун топширилади. Дала ишларини топшириш учун далада бажарилган барча материаллар ва ҳужжатлар , йўриқномалар ва техник қўлланмаларда тасдиқланган ва кўрсатилган тартибда тахланган ҳолда тақдим этилади.

Ниҳоясига етмаган ва сифатсиз бажарилган ишларни топшириш ёки қабул қилиш тақиқланилади.

Ер участкасининг майдонини ҳисоблаш.

Ер участкасининг майдонини ҳисоблаш аналитик усулда ҳисобланилади. Ер участкасининг майдони ер участкаси чегарасининг бурилиш нуқталарининг координаталари асосида 1 кв/м аниқликда икки марта бир бирини текшириш билан қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланилади.

Р

ва текшириш учун

бунда **р**-ер участкасининг майдони кв/м ҳисобида

Х ва **У** -бурилиш нуқталарининг координаталари ва бурилиш нуқталари сони.

Картографик материалларни далада чизиш ва расмийлаштириш.

Картографик планлар ва материалларни далада чизишда асосий эътибор ер участкасидаги объектлар аниқ ва тўлиқ тасвирланишига ва шартли белгилар тўғри қўлланилишига қаратилиши керак. Шартли белгиларнинг формалари ва размерлари қўйилган талаблар асосида аниқ кўрсатилиши керак. Ҳамда ёзувлар ва сонлар шартли белгилар асосида тушунарли қилиб ёзилиши керак. Ўтказиладиган чизиқларнинг қалинлиги $0,2-0,3$ мм атрофида бўлиши керак. Графика ва тасвирларнинг аниқлигини

таъминлаш мақсадида шартли белгилар жойдаги контурлар ва объектлар элементлари чизиқлари билан устма-уст тушиб қолмаслиги керак.

Ер участкаси чегарасидан ўтаётган йўллар тўсиқ деворлар ва бошқа иншоотлар жойда қандай жойлашган бўлса худди шундай аниқ қилиб планга туширилиши керак.

Ер участкасининг кадастр планини расмийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

- кадастр плани рамкасининг ташқи шимолий-ғарбий бурчагида чап томондан вилоят , шаҳар , посёлка номи ҳамда координаталар системаси кўрсатилади;
- кадастр плани рамкасининг шимолий қисмининг устидан ижрочи ташкилотнинг номи ва карта ёки планшет варағининг номери ёки номеклатураси кўрсатилади;
- кадастр плани рамкаси планининг устки шимолий-шарқий қисмида объект номи кўрсатилади;
- кадастр плани рамкасининг пастки жанубий-шарқий қисмида планни қабул қилувчи шахснинг мансаби , фамилияси исми ва имзолари кўрсатилади;
- кадастр плани рамкасининг жанубий қисмининг пасткида план масштаби кўрсатилади;
- кадастр плани рамкасининг жанубий-шарқий қисмининг пастки томонида бажарувчининг исми , фамилияси , имзоси ва съёмка ишлари бажарилган саналар кўрсатилади;

Кадастр плани рамкасининг ички қисмида бўш жойларда участка номи , манзили , ер участкасининг умумий ер майдони , геодезик маълумотлар (ер участкаси чегарасининг бурилиш нуқталари орасидаги масофалар ва бу чизиқлар орасидаги дирекцион бурчаклар ва ҳакозолар) , қўлланилган шартли белгилар (легендаси) , ер экспликацияси , ер участкаси чегараси ҳақидаги маълумотлар , қўшни ер участкалари ҳақидаги маълумотлар (манзили , номи , ер участкасининг кадастр номери ва ҳакозолар) , объектларнинг ҳимоя зоналари ҳақидаги маълумотлар , сервитутлар тўғрисидаги маълумотлар , Давлат геодезик таянч шахобчалари ва топографик съёмка асослари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда кадастр планини келишиш ва мухрлаб тасдиқлашга ва имзолашга маъсул шахсларнинг исми , фамилиялари ва имзолари қўйилиши ва кўрсатилиши керак.

Техник ҳисобот.

Ер участкасининг кадастр съёмкаси материаллари ва ҳужжатлари алоҳида техник ҳисоботга тикилади ва унда қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- кадастр съёмкаси бажариш технологияси , иш ҳажми , ишнинг бажарилиши ва маълумотлар тўғрисида қисқача тушунтириш хати;
- ер участкасининг чегараларини келишиш далолатномасининг нусхаси;
- топографик съёмка асослари боғланган давлат геодезик таянч шахобчалари пунктларининг координаталар катологи;
- далада ўлчаш ишлари журналлари , абрислар , крокилар , далада ўлчаш ишларини камерол ҳисоблаш материаллари ва ҳужжатлари;

- ишни текшириш ва қабул қилиш далолатномалари;
- ишчи планли кортогафик материаллар;
- ер участкаси чегарасининг бурилиш нуқталари ва ер ости ва ер усти инженерлик коммуникацияларининг чиқиш ва кириш нуқталарининг координаталари катологи;
- доимий съёмка қилиш асослари пунктлари ва капитал қурилган бино-иншоотларнинг бурчакларининг координаталар катологи;
- ер участкасининг умумий майдонининг аналитик усулда ҳисоблаш ведомости;
- ер участкасининг чегара белгиларини текшириш ва доимий сақланишини тасдиқловчи давлат далолатномаси;
- ер участкаси кадастр планининг оригинали;

Техник ҳисоботнинг неча нусхада тузилиши техник топшириқда кўрсатилган бўлади. Биринчи архив нусхаси кадастр ҳужжатларини майёрлаган ташкилотда (кадастр хизматида) қолдирилади, иккинчи нусхаси буюртмачига берилади (агар техник топшириқда бошқа қўшимча нусхалар тузиш кўзда тутилмаган бўлса). Ҳар қандай ҳолатда техник ҳисоботнинг бир нусхаси маҳаллий кадастр хизмати архивида сақланиши лозим.

Иқтисодий қисм.

Ишлаб чиқариш даврининг бориши ишлаб чиқариш процесси-бу киши меҳнатининг ишлаб чиқариш воситалари билан бирга қўшилишидир. Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат воситаларидан (ишлаб чиқариш қуроллари, йўллар,

ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хазиналардан) меҳнат предметлардан (хонашў материаллари , конструкция , ёқилғи ва хазиналардан) иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш процессида ишлаб чиқариш фактлар тўхтовсиз оборот бўлади. Ишлаб чиқариш ва муаммолар босқичларида ўтади.Аммо меҳнат воситалари ва меҳнат предметларининг ишлаб чиқариш процессидаги муомала усуллари турличадир. Ишлаб чиқариш фондларининг оборотидаги формулаларининг асосий ва оборот фондларига бўлиниши асосида ётади.Асосий фондларга ишлаб чиқариш процессида кўп марта қатнашадиган меҳнат воситалари киради.Улар ҳар бир ишлаб чиқариш циклидан кейин ўзининг ҳақиқий формуласини сақлаб қолади ва ўз қийматини аста секин қурилиш маҳсулотига қисман-қисман ўтказиб боради.

Турар жой бинолари , болалар боғчалари , мактаблар , коммунал мақсадларга мўлжалланган иншоотлар ва хазиналар ҳам қурилиш ташкилотларининг асосий фондлари ҳисобланади.Улар қурилиш ишлаб чиқаришда қатнашмайди.Шунинг учун ҳам улар ишлаб чиқаришдан ташқаридаги асосий фондлари деб аталади.

Оборот фондлари деб-фақат битта ишлаб чиқариш циклида қатнашиб , ундан кейин ўзининг ҳақиқий формуласини ўзгартирадиган , ўзининг қийматини доимий ишлаб турган иморат ва иншоотларга тўла ўтказадиган меҳнат предметларига (материаллар , конструкциялар ва хазиналар) айтилади.Масалан , конструкциялари ташиб келтирилган эди меҳнат қилиш тугагандан кейин буюртма ўтадиган тош йўлни ҳам қабул қилади.

3.2.1.Асосий чиқариш фондлари.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этади.Бу фондлар актив ва муносиб қисмлардир. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми (машиналар , асбоб-ускуналар) ташкилотларнинг қувватини ва унинг тахминий даражасини белгилайди. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва меҳнат унумдорлиги биринчи навбатда ташкилотнинг техника билан қуролланганига боғлиқ бўлади.

Асосий биноларнинг таркиби восита таъсир кўрсатадиган технологик процессларнинг нормал ўтказилишини ҳамда атмосфера таъсиридан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пасив қисмлари орасидаги нисбат уларнинг структураси дейилади.

Асосий фондлар ишлатилиши жараёнида эскиради. Эскиришнинг икки хил тури мавжуд. Жисмоний ва маънавий эскириш. Жисмоний (техник) эскириш ташқи муҳит ва эксплуатацион нагрузкалар таъсирида содир бўлади.

Жисмоний эскириш натижасида асосий фондларнинг қиймати пасаяди ва меҳнатда улар фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Жисмоний эскириш даражаси нисбий (дастлабки) қийматнинг фоизи ва абсолют катталикларда (сўмда) ифодаланади.

Маънавий (иқтисодий) эскириш – бу асосий фондларнинг тўла жисмоний эскиришига қадар ўз қийматини йўқотишидир. Бундай воситалар ёрдамида бажарилган ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиб қолади. Маънавий эскиришнинг икки хил тури бор.

Амортизация фонди.

Амортизация-бу қурилиш маҳсулотига ўтказилган асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиришининг қўлдаги ифодасидир. Амортизация фонди ҳар ойда бир хилда ажратиладиган амортизация ажратмаларидан ташкил топади., айти пайтда асосий фондларнинг эскириши бир текисда бўлмайди ва улардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун амортизация эскиришдан фарқ қилиши мумкин. Амортизация ажратмалари норма асосида олиб борилади. Бу ажратмалар асосий фондларнинг эскирадиган қисмига мос келиши ва ишларнинг таннархига ўтказиб борилади. Амортизация ажратмалари ёрдамида асосий фондларнинг қиймати аста-секин қурилиш маҳсулотига ўтказиб борилади.

Асосий фондлар хизматининг норматив муддати учун тўла амортизация ажратмалари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

Асосий фондларнинг бутун хизмат муддати учун капитал ремонт харажатлар сўм;

С-асосий фондларнинг капитал ремонт пайтида ўтказиладиган майда модернизация харажатлари сўм;

С- асосий фондлардан фойдаланиш тугагандан сўнг уларни тугатиш харажатлари сўм;

С- асосий фондлар тугатилгандан сўнг материалларнинг қолдиқ қиймати сўм;

Асосий фондлардан ташқари қурилиш ташкилоти аборот фондларга ҳам эга бўлиши лозим. Уларга ишлаб чиқариш зақаслари , ишлаб чиқаришдаги маблағлар (туғалланилмаган ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари) киради.

Ишлаб чиқариш зақаслари аборот фондларининг асосий қисми ҳисобланади. Уларга материалларнинг , деталларнинг арзон баҳо инвентар ва инструментларнинг , иш қийматларининг зақаслари киради.

Оборотдаги ишлаб чиқариш фондлари ва ифодасидаги муаммолар фондларнинг йиғиндиси аборот маблағлари дейилади.

Асосий фондлардан фарқли ўлароқ аборот маблағлари ҳамма вақт ҳаракатда бўлади ва ўрин алмаштириб туради.

3.4.1. Нормаллаштириладиган аборот маблағларига ишлаб чиқариш зақаслари , туғалланмаган ишлаб чиқариш кассадаги ва ҳисоб-китоб счётидаги

пул маблағлари бажарилган аммо ҳаққини тўлаш муддати ҳали етиб келмаган ишлар учун буюртмачининг қарзи киради.

3.4.2. Нормаллаштирмайдиган аборот маблағлари бажарилган ишлар учун буюртмачиларнинг ҳақини тўлаш муддати ўтиб кетган қарзлари дебиторлик қарзлари шунингдек ортиб жўнатилган материаллар ва кўрсатилган хизматлар учун расчётлардаги маблағлар ҳисобига ташкил топади.

Аборот маблағларининг ҳажми ҳисоб-китоб билан белгиланади. Бунда аборот маблағларининг ҳажми қурилиш ташкилотининг тўхтовсиз ишлаш имкони бўлгани ҳолда минимал бўлиши зарур.

Смета қиймати амалдаги ҳамма учун мажбурий бўлган слита нормалари ва слита нархлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

3.5. Асосий ишлаб чиқариш фонди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун умумий ва қисман кўрсаткичлардан натура ифодасида ҳам қиймат ифодасида ҳам фойдаланилади. Умумий қиймат кўрсаткичларига фондларнинг самарадарлик даражаси, фондларнинг ҳажми, фонд билан таъминланганлик, асосий фондларнинг эскириш даражаси киради.

Фондларнинг самарадарлик даражаси-бажарилган қурилиш ишларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматига ўтказилган йиллик ҳажмининг сметадаги қиймати. Уни қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқариш мумкин:

бунда Е- фондларнинг самарадарлик даражаси кўрсатилиши;

Қ-қурилиш монтаж ишлари йилик ҳажмининг сметадаги қиймати сўм;

Фондларнинг ҳажми- фондларнинг самарадарлик даражасининг тескари кўрсаткичи. Уни қуйидаги формула билан аниқлайди:

Фонд билан таъминлаш ишчиларнинг асосий фондлари билан таъминланганлик даражасини ифодалайди ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi \\ Et=$$

бунда С-асосий ишларда ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда ишлаётган ишчиларнинг умумий сони.

Асосий фондларнинг эскириши мавжуд асосий фондларнинг сифатий ҳолатини ифодалайди ва қуйидаги формула билан аниқланади:

бунда Т- асосий фондларни ишлатишнинг ҳақиқий муддати йиллар;

Т- асосий фондларнинг нормативдаги хизмат қилиш муддати йиллар;

3.6. Смета ва уни тузиш.

Смета – бу маълум бир объектни нарсанинг пул миқдорида аниқланган хужжатдир. Топо-геодезик корхоналарнинг умумий сметаси қуйидаги харажатлар йиғиндисидан иборат:

а) дала ва камерал ишларни харажатлари;

б) ташкил қилиш ва қайта бузиш хариталари;

в) вақтинчалик бино ва иншоатлар қуриш;

г) ишлар харажатлари;

Смета тузишда бажарилаётган ишнинг ҳажми , унга сарф қилинаётган материаллар миқдори , қийинчилик шароити категорияси , иш бажариш нормаси кабиларни аниқлаш керак.

Харажатлар асосан иккига бўлинади:

- 1) асосий иш ҳақи-41%
- 2) қўшимча иш ҳақи -3-8%
- 3) иш ҳақи учун солиқ -40% асосий ва қўшимча иш ҳақидан
- 4) сафар харажатлари 20%
- 5) материаллар 5,7%
- 6) транспорт харажатлари 7%
- 7) амортизация -3,6%
- 8) арзон ва тез эскирадиган материаллар -1,5%
- 9) бошқа асосий харажатлар 6%

Иккинчи даражали харажатлар ишни ташкил этади ва маъмурият учун сарф қилинади.

4.1.Техники хавфсизлиги ва меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Ўзбекистонда меҳнатни муҳофазаси кўплаб қонун чиқарувчи расмий ташкилотлар ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлиб , тартибга солиб ва бошқариб турилади. Ўзбекистон Республикаси , меҳнат ҳақидаги қонунлар асосидаги меҳнат муҳофазасига оид асосий низомлар келтирилган. Ўзбекистон Республикасида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш давлат аҳамиятига мувофиқ ишдир. Ўзбекистон Республикаси конституциясида ҳар бир шахс “ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”- дейилган. Ўзбекистонда яшовчи кишиларнинг меҳнат ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади. Меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси давлат ташкилотлари , шунингдек, касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Халқларнинг меҳнат ҳақидаги қонунлари асослари каби маъмурий ҳужжатларда , меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасида меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги , аёллар ҳақидаги , ёшлар меҳнати ҳақидаги , иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солиш , меҳнат муҳофазасига доир тадбирларга маблағ сарфлаш , жамокор ҳамда яқка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва хоқозолар ҳақидаги низомлар муҳим ўринни эгаллайди.

Хавфсизлик умумий назариясининг тузилишида асослар ва усуллар кўрилатган соҳадаги алоқалар тўғрисида тўлиқ тасаввур қилишда методологик аҳамиятга эга. Хавфсизликни таъминлаш йўллари кўп. Уларни белгиларига қараб бир неча синфларга ажратиш мумкин. Масалан , йўналтирувчи , техник , ташкилий , бошқарув ва бошқалар.

- 1.Йўналтирувчи белгилари: операторнинг фаоллиги , иқтидори , тузилишининг тартибсизланиши (диструкция) , операторни алмаштириш , таснифлаш , хавфларни йўқотиш , тартиблаш хавфини камайтириш.
- 2.Техник белгилари : блокировкалаш , вакуумлаш , герметиклаш , масофа билан ҳимоялаш , маҳкамлаш , тўсиқлар орқали ҳимоялаш , очиқ звено қўллаш , сиқилган ҳаво қўллаш , ҳаракатларни секинлаштириш.
- 3.Ташкилий белгилари:вақт билан ҳимоялаш , ахборотлар , маълумотлар , захиралаш , мос келмаслик , меъёрлаш , ходимларни танлаш , эргономиклик.

4.Бошқарув:мослик , назорат , қарши алоқа , жавобгарлик , режалилик , рағбатлантириш , самарадорлик , бошқариш.Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан , шунингдек мулк шаклидан қатий назар жамоат бирлашмалари , корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш учунтегишли бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув назорат идораларини сақлаш , илмий тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш , меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга киритилган дастурларини бажариш учун фойдаланади.Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларини жамоа шартномасида белгиланган миқдорда ажратади.Корхонанинг ходимлари анашу мақсадлар учун қандайир қўшимча чиқим қилмайди.Корхоналар ўзининг хўжалик , тижорат , ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятиданкеладиган фойда , шунингдек бошқа маблағлар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига солиқ солинмайди. Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш мумкин эмас.Ишлаб чиқариш корхоналари тўғри лойихаланса ва амалга оширилса , ишловчиларнинг меҳнат хавфсизлиги шароити яхшиланади , иш унумдорлиги ва маҳсулот сифати юқори бўлади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ёритишнинг турлари ва тизимлари Маълумки , табиий ёруғлик манбаи куёшдир. Сунъий ёруғлик манбаи электр энергияси бўлиб , у чўгланма люминесцент лампалар орқали амалга оширилади.Табиий ёруғлик билан бино ён томонидан (деразалардан) , юқоридан (шедлер ёки зенит фонарлари орқали) комбинатциялаштирилган яъни юқоридан ҳамда ён тарафдаги деразалар орқали ёритилади.Сехларни кундуз кун табиий ёруғлик билан ёритилишига алоҳида аҳамият бериш керак.Иш икки , уч сменали ёки сехларнинг ўлчамлари катта бўлганда тўқимачилик корхоналари сунъий ёритилади , чунки бундай катта сехларда табиий ёруғлик билан бутун сех бўйича етарли ва бир текис ёритилишини таъминлаш мумкин эмас.Сунъий ёруғлик умумий (бутун эн бўйича) , маҳаллий фақат иш жойида қўлланади ва аралаш (умумий ёруғлик билан маҳаллий ёруғлик бирга) турларга бўлинади.Шуни таъкидлаш қаракки , маҳаллий ёруғлик яқка ўзи ҳеч маҳал қўлланилмайди.Бир хил ёруғлик оқими берувчи лампалар сех базаси бўйича бир текис ўрнатилган бўлса , буни тенг тақсимланган умумий ёруғлик агарда лампалар ёруғлик оқими кўпроқ иш жойларига ёки бошқа зарур участкаларга йўналтирилиб ўрнатилса , буни умумий локаллаштирилган ёруғлик деб аталади. Сунъий ёруғлик вазифаси бўйича иш ёруғлиги , яъни корхонада технологик жараённинг меъёрида бориши учун зарур бўлган ёруғлик , ҳалокат ҳодисалари вақтида ишлатиладиган ёруғлик ва махсус ёруғликга бўлинади.Фалокат юз берганда ишлатиладиган ёруғлик ишчиларни эвакуатция қилиш ва айрим ҳолларда муҳим участкаларда ишни давом эттиришга мўлжалланади.Булар шундай ҳолларни , иш ёриткичи ўчса , портлаш , ёнғин , жароҳатлар содир бўлиши ва технологик жараён узоқ муддатга ишдан чиқиши мумкин.Ҳалокат режимидаги ёритилганлик иш ёруғлигининг меъёрларидан 5% , шу билан бирга сехларда ва хоналарда иккиликдан ва ташқарида бирликдан кам

бўлмаслиги керак. Корхоналар маъмурияти ва муҳандис – техник ходимларнинг асосий вазифалари меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуи ҳамда “Хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари” билан белгиланади. Ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини камайтириш ҳамда уларни олдини олишга оид меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни амалга ошириш, тадбирларига умумий раҳбарлик ҳамда бу ишга жавобгарлик корхона раҳбари, унинг ўринбосари – бош муҳандис зиммасига юклатилади.

Корхона раҳбари :

- ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олувчи ташкилий техник тадбирларни режалаштиришга ;
- анашу тадбирлар учун ўз вақтида маблағ ажратишга ва уларни ўтказишга доир рўйхатларни тасдиқлашга ҳамда меҳнат шароитини мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш учун ажратилган маблағнинг тўғри сарфланишини назорат қилиб боришга ;
- меҳнат муҳофазасига доир жамоа шартномалари ва битимларини бажарилишини таъминлашга ;
- меҳнат ва дам олиш тартиби , аёллар ҳамда ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга амал қилишга ;
- касаба уюшмаси техник назоратчилари ва жамоатчи назоратчилар ҳамда маҳаллий касаба уюшмаси қўмитаси комиссиясининг меҳнат муҳофазасига доир буйруқларни бажаришга ;
- ишлар ва касбларнинг айрим турлари учун хавфсизлик йўллари бўйича йўриқномаларни тасдиқлашга ;
- ишчи-хизматчиларни ўз вақтида амалдаги меъёрларга мувофиқ корхона , махсус пояфзал , яқка тартибдаги ҳимоя воситалари ва махсус озиқ-овқатлар билан таъминлашга мажбур.

Бош муҳандис:

- ҳамма сеҳлар ва бўлимлар бошлиқларининг ҳамда ишлаб чиқариш санитариясига доир қонун чиқарувчи меъёрлар ва қоидаларни бажаришларини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;
- амалдаги хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш шароитига мувофиқ касблар ва ишлар турлари бўйича хавфсиз ишлаш йўллари ҳамда усулларига доир йўриқномаларни ишлаб чиқаришда қўлланишига раҳбарлик қилиш;
- хавфсиз ишлаш усуллари , йўл – йўриқларни ўрганиш юзасидан ўқув ишлари олиб борилишини назорат қилиш;
- ишчиларнинг дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказилишини назорат қилиш;
- хавфсиз ишлаш усуллариининг оммавий тадбиқ қилинишини , хавфсизлик хоналарида лексиялар , суҳбатлар ўтказилишини , хавфсизлик йўлларига оид плакатлар ва огоҳлантирувчи ёзувлар тайёрлашини назорат қилиш;
- касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда меҳнат муҳофазаси , хавфсизлик йўллари ишлаб чиқариш санитариясига оид ишларнинг ҳолатини текшириш ҳамда муҳофазаси юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ишчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

- замонавий тузилишдаги тўсиқ техникасини , сермеҳнат жараёнларни автоматлаштириш , шамоллатиш ва санитария-маиший ускуналарни жорий этиш;
- меҳнат муҳофазаси , ишлаб чиқариш маданияти ва техник эстетика бўйича тажриба алмашиш ишига раҳбарлик қилиш;
- ишчиларга ўз вақтида коржома , махсус пояфзал ва якка татибдаги ҳимоя воситалари берилишини назорат қилиш;
- хавфсизлик йўллари , ишлаб чиқаришда рўй берган шикастланиш тўғрисидаги ҳисоботларни , меҳнат шароитини соғломлаштиришга ажратилган маблағларни сарфланишини назорат қилади.

Меҳнат муҳофазаси , хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси , геодезик , экологик ва санитарияга оид ишларни ташкил қилишга жавобгар бўлган меҳнат муҳофазаси муҳандиси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- бошланғич йўл-йўриқларни бериш;
- амалдаги қонунларнинг , вазирликлари ва идораларининг қарорлари ҳамда фармоишларининг , шунингдек , хавфсизлик йўлларига доир қоида ва меъёрларнинг сеҳлар , бўлимлар раҳбарлари чиқишда бажаришни назорат қилиш;
- йўриқномалар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳамда уларнинг тўғри қўлланишини текшириш;
- буйруқ ва фармойишлар лойиҳаларини тайёрлаш;
- меҳнат шароитини яхшилашга доир тадбирлар ишлаб чиқиш , ташкилий техник тадбирлар режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик йўлларига оид тўсиқлар ва сақловчи ускуналарни ишлаб чиқишда илмий-текшириш олийгоҳлари ва илғор корхоналарнинг шу соҳадаги таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишда қатнашиш;
- корхонани қишги ва ёзги шароитда ишлашга тайёрлаш тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- жамоа шартномасида кўзда тутилган меҳнат шароитларини соғломлаштириш ва енгиллаштириш тадбирларининг бажарилишини текшириш;
- бинолар , иншоотлар , аппаратлар , ускуналарни қуриш , капитал тузатиш лойиҳаларини кўриб чиқувчи ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олувчи комиссияларда қатнашиш;
- ишчиларга йўл-йўриқ бериш ҳамда муҳандис-техник ходимлар ва ишчиларнинг хавфсизлик йўллари курсида ўқитишни ташкил этиш;
- дастлабки ва даврий тиббий текширувларнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш;
- иш хоналаридаги кўринадиган жойларга меҳнат муҳофазаси , хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси доир амалдаги ҳамма қарорлар қоидалар ва меъёрлардан бир нусхадан олиб қўйиш;

- хавфсизлик йўллари хоналарни жихозлаш , хавфсизлик йўлларига доир стендлар ташкил этиш ва плакатлар ва огоҳлантирувчи ёзувларни осиб қўйиш;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳодисаларни рўй бериш сабабларини текширишда қатнашиш ҳамда бартараф этиш , олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб ва қайд қилиб бориш , ишлаб чиқаришда шикастланишларни таҳлил қилиш;
- хавфсизлик йўллари ишларини яхши йўлга қўйган ходимларни тақдирлаш ҳамда хавфсизлик йўллари талаблари ва қоидаларини бузганларга корхона раҳбариятига таклиф бериш;